



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 27 sentabr • №39 (4230)

“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”НИНГ НУФУЗИ ЖАҲОН МИҚЁСИДА ТОБОРА ОРТМОҚДА

“Шарқ марвариди” — кўхна ва ҳаминша навқирон Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивали тadbир қатнашчилари ҳамда меҳмонларида унутилмас таассуротлар қолдирди. Хорижий мамлакатлар вакилларига нисбатан кўрсатилган самимий меҳмондўстлик ва кўп сонли мухлисларнинг олқишидан улар беҳад мамнун бўлишганини яна бир бор кўз олдимизга келтирганимизда, қалбларимиз завқу шавққа тўлади.



“АҚШ, Миср, Мароқаш, Индонезия, Корея Республикаси, Афғонистон ва ўзбекистонлик ҳакамлар билан биргаликда дунёнинг 50 дан ортқ мамлакатидан келган миллий маданий гуруҳлар иштирокини баҳолаш шарафига муяссар бўлдим, — дейди “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъати раиси, Шанхай ижтимоий фанлар академиясининг Адабиёт ва санъат илмий тadbирот институти директори Чэн Шенлай мазкур тadbирдан ортирган таассуротларини ўртоқлашар экан. — Ушбу анжуманинг ўзига хослиги шундаки, у жаҳоннинг энг гўзал ва кўхна шаҳарларидан бири, Буюк Ипак йўли равнақ топан даврининг гувоҳи, оламга донги кетган сарқарда, олим ва мутафаккирлар яшаб ўтган замонларнинг бетакрор меъморий мажмуаларини сақлаб қолган Самарқандда бўлиб ўтди. Кўп асрлар ортда қолганига қарамай, шаҳар ҳали-ҳамон ўз тароватини сақлаб тургани баробарида, янада гўзаллашмоқда, унинг бағрида жўшқин ва мазмунли ҳаёт кечаётир.



Давоми бешинчи саҳифада.

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

МУАЛЛИМ

Маърифат дарёсин мироби — ул зот,
Кўнгли самосининг офтоби — ул зот,
Юз очган саволнинг жавоби — ул зот,
Тилидан бол томиб айтгуси ҳар ким,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Онамиздек меҳр билан хуш кўрган,
Ота бўлиб камолимиз туш кўрган,
Етти ўлаб бир кесибон иш кўрган,
Боболардан мерос шарқона таълим,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Ҳикмат отлиғ дунёларга йўл очган,
Эзгу ишга, дуоларга қўл очган,
Беш олганнинг бошларидан гул сочган,
Уққан дилга англаторган сўз таъмин,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Ҳар устознинг изида минг ирмоқ бор,
Йўллариди сабот ёққан чироқ бор,
Айтсам яна, соғинч бордир, фироқ бор,
Ул ким, ахир, чўнг тоғларга менгазим,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Улуғ эрур юрт эгасин матлаби,
Уш, қайда бор, Ўзбекистон мактаби,
Улар қиар бу мактабга нур каби,
Азал, абад талпинмаган нурга ким,
Муаллим бу, муаллим бу, муаллим.

Мулоҳаза

Мустиқиллик йилларида она тилимиз равнақи йўлида кенг камровли ишлар амалга оширилди. Ўзбек тилида чоп этиладиган илмий-оммабоп асарлар, жаҳон адабиётидан тўғридан-тўғри қилинаётган таржималар кўпайди. Она тилимизнинг бойлигини намойиш этишда янгидан нашр қилинаётган лугатлар, дарслик ва кўлланмаларнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Аммо баъзида сўзларни ўз ўрнида ишлатмаслик гапнинг мазмун-моҳиятини ўзгартириб, тусунмовчиликлар келиб чиқаётгани кишини ўйлантиради. Зеро, буюк бобомиз Алишер Навоий араб ёзувида бир нукта “қўни кўр қилиш” ҳақида беҳиз ёзмаган. Яъни “қўз” сўзи ёзилаётганида янглишиб қўйиладиган

бир нукта туфайли “кўр” деб ўқилиши мумкин. Ёки кўпчиликка маълум бўлган латифани эсга олайлик: афанди кўшнисини “Сиз аҳмоқ, одам эмассиз” дейди. Кўшнисини унинг бу гапидан жажли чиқиб қозига шикоят қилиб борганда, афанди

Энди бугунги кунда ноўрин ишлатилаётган жумлаларни бир таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, “Тарбиявий ишлар бўйича мактаб директорининг ўринбосари”, деган иборани аслида “Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари”, деб ишлатиш жоиз. Чунки мактаб директори битта,

унинг ўринбосарлари эса бир нечта бўлиши мумкин.

Яқинда бир газетда интервью бераётган қаҳрамонларнинг: “Марҳум ўқитувчимиз билан мазага қилиб суҳбатлашган эдик” ёки “шеър муаллифи бўлмиш марҳум шоиримиз кўнглир қилиб табриклаган эдилар”, деган гаплари ўқувчида беихтиёр марҳумлар билан ҳам гаплашса бўлади, деган тушунча пайдо қилади. Шу сабабли бундай пайтда “марҳум” ўрнига “рахматли” иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Шаҳримиздаги автоуловлар бека-тида “Пуллик автомобилларнинг тўхташ жойи” деган ёзуви бир неча марта кўрганмиз. Агар бу гапнинг маъноси чақадиган бўлсангиз, текин автомобиллар ҳам борми, деган савол туғилиши табиий.

Давоми иккинчи саҳифада.

“ЛАЗЕРДАН ОШ” ДАМЛАБ БЎЛАДИМИ?

ди: “Сиз аҳмоқ одам эмассиз”, деб гўёки “хатоси”ни тўғрилайди ва сўзларни ўз ўрнида ишлатиб вазиятдан чиқиб кетади.

Энди бугунги кунда ноўрин ишлатилаётган жумлаларни бир таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, “Тарбиявий ишлар бўйича мактаб директорининг ўринбосари”, деган иборани аслида “Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари”, деб ишлатиш жоиз. Чунки мактаб директори битта,

“УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ”

Тошкент фотосуратлар уйида устоз мусаввир Рихсивой Аюповнинг “Устозларга таъзим” деб номланган кўргазмаси очилди. Ижодкор асарларида Хумсон, Чорвоқ, Хўжақентнинг бетакрор манзараларига кенг ўрин берилган. Айниқса, фаслар ичида ранглар жиология бой бўлган олтин куз савоати бетакрор бўёқларда ифода этилган. Муаллиф Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларни уларни замонавий кифаси билан уйғун ҳолда тасвирлайди.

— Ҳаёт ва ижод йўлида моҳир rassomлар Александр Перов, Николай Шин ва Владимир

Кузнецов каби устозларнинг ўрни бекиёс, — деди Р.Аюпов. — Уларнинг савий-ҳаракатлари натижасида мен ҳам устозлик шарафига муяссар бўлдим. Санъатнинг мураккаб сирларини, шогирдларга мураккаб техника сирларини содда йўл билан ўргатишни, ёшлардаги ташаббусни рағбатлантириш ва уларни ижодга илҳомлантира олишни ўргандим.

Рихсивой Аюповнинг юртимиз табиати манзаралари, тарихий обидалари акс этган асарлари мухлисларда катта таассурот қолдирмоқда.

Замонавий тасвирий санъатимизнинг навқирон вакилларида бири Санжар Жабборов асарлари мазмун-моҳияти ва ранглар ечимининг ўзгачалиги билан бошқа ижодкорлар ишларидан фарқ қилади. У янги-янги мавзуларни топиб, воқеа-ҳодисалар ичида томошабинни

НУР ВА СОЯ

олиб кира олади. Рассомнинг илк кўргазмасида намойиш этилган рангтасвир, графика ва видео лойиҳалар мухлислар ҳамда мутахассислар баҳс-мунозарасига сабаб бўлган.

Ёш rassomнинг Ёшлар ижод уйида очилган “Нур ва соя” номли кўргазмаси ҳам санъат ихлосмандларига аҳойиб совға бўлди. Экспозицияга қўйилган “Туш”, “Жанг”, “От пойгаси”, “Бир лаҳза”, “Хўкиз”, “Куй”, “Қичқирик” каби асарлари барчада яхши таассурот қолдирди.

Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА

Ёзувчилар уюшмаси бўланмаса билан

ҳам қаёқдандир ел эсиб, атрофни бирдан оппоқ тўзон қоплаб олди. Бундай об-ҳавога анча ўрганиб қолган меҳмон:

— Парво қилманг, ҳозир бир пасда ўтиб кетади, — дея хотиржам ҳолда суҳбатимизни давом эттирди: — Таиланд ва Вьетнамда ишлаганимизда ёмғир роса ёғавериб, одамни эзиб юборарди. Гоҳо чанг-тўзон бўлиб турса-да, ҳавонинг қуруқлиги яхши. Бу жиҳатдан Ўзбекистон билан Кореянинг ўхшаш жиҳатлари кўп.

Ўрозбутиғнинг меҳмонга яна бир бор лутф қилгиси келди чоғи, унга юзланиб шундай деди:

— Яша ошна, бир йил ўтар-ўтмас бизнинг иқлимга шу қадар кўнгикиб қолисан. Ҳали насиб бўлса, мажмуа битгунча нақ қорақалпоқнинг ўзи бўп кетасан. Суҳбатдошимиз ҳам сира бўш келай демасди: — Мен-ку, қорақалпоққа ўхшашим

мумкин. Аммо сенинг корейсга ўхшашинг жуда қийин бўлар-ов. Чунки, ўзинг экология жонқуяри бўлсанг-да, тўхтовсиз нос отаркансан...

Бу гапдан ҳаммамиз мириқиб кулишиб олдик.

Курилиш майдонига юзланиб, имкон қадар бутун жараёни миридан-сиригача билгимиз келади. Шу жойнинг ўзида, энгил синчлардан тикланган хушбичим иморатларда бир қанча лабораториялар жойлашган экан. Улар иншоотга олиб келинаётган тайёр ҳолдаги бинокорлик материалларини сифат ва мустаҳкамлик бўйича синовдан ўтказиб,

белгиланган жойда фойдаланишга рухсат бераркан. Лабораториялар мутахассислар билан гавжум. Инглиз ва корейс тилларини яхши ўрганган ҳамроҳларимиз ёрдамида улар билан суҳбатимиз тез қовушади. Контракт бўйича ишлаётган мутахассису курувчилар махсус иш кийимларидан фойдаланишади. Шу боис уларнинг қайси компания вакили эканини қорхона эмблемаси туширилган жомакоридан дарров бириб оламиз.

Иншоот қурилишига жалб этилган ёрдамчи пудратчи “Hanjin” фирмасининг сифат бўйича назоратчи муҳандиси Нино Гагани, Кувайт, Сингапур ва Саудия Арабистонида шу турдаги иншоотлар қурилишида иштирок этган филиппинлик муҳандис Коломбос Бентенг (“GS Engineering”), бангладешлик ишчилар вакили Ҳабиб Довжонон (“Hyundai Engineering”) билан танишув лаҳзалари шу тариха бирмунча осон кечади.

Давоми иккинчи саҳифада.



Янги саҳна асарининг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилиши ҳар бир театр фаолиятида муҳим ҳодиса. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деганларидек, янги спектакл мутахассислар томонидан мукаммал таҳлил қилиниши зарур жараён. Айниқса, мамлакатимизнинг етакчи театр жамоалари саҳнага қўйган асарлар жиддий эътиборни талаб қилади. Яқинда Ўзбек миллий академик драма театрида тақдироти бўлиб ўтган “Ўткан кунлар” спектакли ҳам мутахассисларда қизиқиш уйғотгани шубҳасиз. Зеро, танқили адиб Абдулла Қодирийнинг машҳур романи асосида саҳналаштирилган мазкур спектакл маданий ҳаётимизда ўзига хос во-

қеага айланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қосидаги драматургия кенгашида “Ўткан кунлар” спектаклига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Соҳа мутахассислари, адабиётшу-

Таъбир

нос олимлар, ёзувчи ва ёш қалам усталари иштирок этган тadbирда янги спектаклнинг саҳнавий талқини, мавжуд ютуқ ва муаммолар батафсил таҳлил қилинди. Тadbир бошида сўзга чиққан филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Қаримов “Ўткан кунлар” романининг ўзбек адабиётидаги аҳамияти ҳақида

сўз юритиб, ушбу асар доирасида олиб борилаётган янги илмий тadbиротлар ҳақида йилгиланларга маълумот берди. Шундан сўнг тadbир иштирокчиларининг янги спектакл борасидаги фикр-мулоҳазалари

тингланди. Қизғин баҳс руҳида кечган муҳокамада спектаклдаги образлар талқини, режиссёр маҳорати, актёрлик ижролари чуқур таҳлил қилинди. Тadbирда спектакл инценировкаси муаллифи Эркин Хўшвақтов ҳам сўзга чиқиб, театр жамоасининг мумтоз асарга ўзига хос ёндашуви борасида фикрларини билдирди. Му-

ҳокама давомида ёш санъатшунос ва драматургларга ўз мулоҳазаларини айтиш имкони берилганини таъкидлаш лозим.

— Миллий театр саҳнасида “Ўткан кунлар” романи асосида спектакл саҳналаштиришга қўл урилганининг ўзиёқ катта воқеа бўлди, деб ўйлайман, — деди драматургия кенгаши раиси Шўҳрат Ризаев. — Тўғри, мумтоз асарларга муурожаат қилиш ҳаминша ижодий жамоадан катта салоҳиятни талаб қилади. “Ўткан кунлар” спектакли мутахассисларда баҳсли фикрлар уйғотгани табиий ҳол. Бироқ ҳар бир театрнинг

Абдулла Қодирий романига ўз муносабати мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу маънода Миллий театр саҳнага қўйган “Ўткан кунлар” спектаклини мухлисларга намойиш этиш зарур бўлган асарлардан бири сифатида баҳолаган бўлардим. Бугунги муҳокама давомида режиссура борасида ҳам кўплаб фикрлар айтилди. Шаҳсан менда ушбу спектакл Марат Азимовнинг энг яхши режиссёрлик ишларидан бири сифатида таассурот қолдирди. Умид қиламики, театр ижодкорлари спектаклни янада мукаммал кўринишга келтириш борасида изланишларини давом эттиришади.

Ўз мухбиримиз.

Бошланғич биринчи саҳифада.

Ҳамкорлик рами бўлган улкан тошларда олдида улар билан суратларга тушиб, энди суҳбатлаша бошлаган ҳам эдик, қурилиш майдонидан ишчиларнинг саф тортиб, гурас-гурас ҳолда чиқиб келаётганларига кўзимиз тушди. Тушлик вақти бўлганди. Саволларимизга бажонидил жавоб бераётган меҳмонларнинг юз-кўзларидан очиккўнгиллиги, хушчақчақлиги, самимий суҳбатга ҳамиша тайёр эканликларини сезиб турсак-да, уларни тушлиқдан кечиктирмаслик учун дўстона хайрлаша бошлаймиз.

Саноқли дақиқалар ичида улкан қурилиш майдони хувиллаб қолгандай туюлди. Бироқ иншоот барпо этилаётган майдоннинг яқинига бориб билдикки, ҳар бир иморат жойининг ўз посбони бор экан. Майдон юз гектардан зиёдроқ. Унинг биз турган жанубий-ғарб томонида "Hyundai Engineering" компанияси ўз цехларини барпо этаётган бўлса, шарқ тарафдаги кўзга элас-элас ташланаётган буржда "Samsung Engineering" компаниясининг қурилиш ҳавозалари кўзга ташланади. Шимол томонимиз эса "GS Engineering" компанияси вакилларига тегишли. Тез орада ана шу улкан ҳудуд бўйлаб узунлиги ўн километрдан зиёд темир йўл барпо этилади. Қанчадан-қанча коммуникация тармоқлари ўтказилиб, пировадидида ободонлаштирувчи ва кўчаларни яшилдирувчилар ҳам ўз ишларини бошлаб юбордилар. Ана шунда Устюрт бағридаги Оқчалок даштлари қиёфасини бутунлай таний олмай қолишимиз шубҳасиз.

"Устюрт газ-кимё мажмуаси" инфраструктура иншоотлари қурилиши бўйича дирекция капитал қурилиш департаменти бошлиғи Сададдин Полимбетовнинг айтишича, тез орада Оқчалокда мажмуанинг ўз ишчилар шаҳарчаси қурилиши ҳам бошланаркан. Унинг тарҳи "Қишлоққурилишлойиҳа" очик акциядорлик жамияти меъморлари томонидан яратилмоқда. Бунёдкорлик ишларига "Жанубга-қурилиш" очик акциядорлик жамияти қурувчилари жалб этилаётган. Бу шаҳарча барча замонавий қулайликларни ўзида муҳассамлантирган ҳолда барпо этилади ва меъморий жиҳатдан ўзига хос қиёфага эга бўлади. Ичимлик сув, электр энергия, транспорт инфраструктураси, мактаб, шифохона каби ижтимоий объектлар билан таъминланади. Шаҳарча аҳолиси эҳтиёжи учун ер ҳам ўзлаштирилади. Боғ ва хиёбонлар дашт бағридаги янги манзилнинг кўркіга-кўрк қўшади.

Биз ана шу манзараларни тасаввуримизда жонлантирган ҳолда табиий газдан этилен ажратиб олиш бўйича мутахассис Қаҳрамон Сафарниёзов ҳамроҳлигида мажмуа иншоотлари қурилаётган ҳудуд билан танишувни давом эттирамиз. Қаҳрамон ўн йил аввал Қорақалпоқ давлат университетининг химия факультетини битириб, магистрлик дипломини олган. 2008 — 2013 йилларда эса "Шуртангаз" мажмуасида янги лойиҳани мукамал ўзлаштириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган.

— Лойиҳанинг технологик жиҳатлари "Samsung Engineering" компанияси ва ўзимизнинг "УзЛТИНефтгаз" институти томонидан ишлаб чиқилган, — дейди у кенг майдондаги қурилиш манзарасига ишора қилиб. — Иншоотнинг маҳобатини шундан ҳам билиш мумкинки, биз малака эгаллаган "Шуртангаз" мажмуаси йилга 125 минг тонна полиэтилен гранулятини ишлаб чиқарса, бу мажмуа йилига 400 минг тоннадан ортиқ шундай махсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Бундан ташқари, 100 минг тонна полипропилен ва 3,7 млрд куб. метр тозаланган газ ҳам олинади. Корхона ишлаб чиқариладиган махсулотлар Европа, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё бозорларини обод қилади.

Дарҳақиқат, бу лойиҳани тўқис рўёбга чиқариш минтақанинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳам раванак топтиради. Сабаби, мажмуа қурилиши даврида 10 минг киши юқори маошли иш билан банд бўлади. У битта эса, мажмуа фаолияти 2 мингдан зиёд ишчи ва мутахассислар томонидан олиб берилади. Қанчадан-қанча одамлар ёрдамчи хизмат тармоқларида ҳам ишли бўлади. Устюрт кенгликларини шу тариқа ҳар жиҳатдан обод бўлиб, мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига, мулку миллатнинг буюк келажағига хизмат қилади.

Қаҳрамоннинг мароқли гурунги тинглар эканман, Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матқубованинг Устюрт қасидасидаги ушбу мисралар беихтиёр хаёлимдан ўтди:

Саховатли, қудратли юрт, она замин устиди,
Балад юртим, Устюртим, деб улугларим болаларим,
Милليون йиллик хазиналар Ер устида,
Сени омон сақлаб келган оталаринг дуолари.

Тарих тилга кирса айтар ҳар тошдаги ҳикматингни,
Белда пўлат камарингда метингайин қудратингни,
Дунё ҳавас қилар бутун хазинадаги ҳикматингни,
Бойлигингилар ҳар бир гийёҳ, дардга дармон ҳаволаринг.

Бошланғич биринчи саҳифада.

Балки, "Автомобилларнинг пулик тўхташ жойи" дейилса, тўғрироқ бўлармиди! Шаҳар кўчаларидаги "Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф" деган ёзувлар битилган "маршрут такси"лари ҳақида жуда кўп эътирозлар билдирилиб мақолалар ёзилди. Аммо ҳамон натижа йўқ. Агар ушбу иборага диққат қиладиган бўлсангиз, эндиликда йўловчилар ҳам кўчага чиқиш учун лицензия олиши керак экан-да, деган хайлга борасиз.

Концерт афишаларига ҳеч эътибор берганмисиз? Концерт берилган манзилни "Туркистон" саройининг ёзи биносида деб ёзишди. "Ёғи бино" эмас, балки "ёғи саҳна" деб ёзиш тўғрироқ.

Тилимизда рус тилидан тўғридан-тўғри таржима қилинган иборалар кўплаб учрайди.

Масалан, АҚШда Нью-Йорк, Нью-Йорк деган шаҳарлар бор. Бироқ нима учундир Нью-Йорк таржима қилинмайди, Нью-Орлеанни матбуотда Янги Орлеан деб ёзамиз. Яна "легендарний" деган сўзни "афсонавий" сифатида ишлатмоқдамиз. "Афсонавий футболчи" деган сўз, "афсонавий шахматчи" ва ҳоказо... "Афсона-

чилар ҳам бўлар эканми, деб ўйлайсиз. Аслида ушбу иборалар боғбонларни тайёрлайдиган бир йиллик мактаб, ҳайдовчиларни тайёрлайдиган уч ойлик курслар тарзида ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Яна бир тавассулчи ҳолат — рус имлосидаги сўзларнинг лотин алифбосига ўтказилганига ўрнатилади. "Парник" эса ўз исми билан ҳарорат олади. Мана шу ҳарорат ташқарига чиқиб кета олмай бугхона ойналарига "ўтириб қолади". Ана шу халатга "парник газ" дейилади.

"Салқин ичимлик" ибораси билан боғлиқ муаммо ҳамон ечимланган. Агар яхна ичимлик салқин дейиладиган бўлса, у ҳолда иссиқ чойни "жазирама чой" дейиш керак бўлади.

Айрим музқаймоқ сотиладиган жойларда "Юз фоиз тоза сутдан тайёрланган музқаймоқ" деган лавҳаларга кўзингиз тушган бўлса керак. Демак, ифлос сутдан ҳам музқаймоқ тайёрланади бўлар эканми, дея бош қотираётсам, унинг русча муқобилига кўзим тушиб қолди: "Натуральный молоко"... Демак, "Натураль-

ний молоко"нинг таржимаси "Табиий сут"дир.

Яна бир фикр. Шаҳримиздаги ошхонаю чойхоналарга кираришда "Ҳар кун Лазердан ош" деган ёзувларга эътибор беринг. Ошни пишириш жараёнида ўтин, кўмир ёки зангори оловдан эмас, лазердан фойдаланиларкан-да, деб ўйлаб қоласиз. Аслида ушбу ибора лазер гуручидан ош, дея талқин қилиниши зарур.

Юқориде ўзбек тили бой тил дедик. Демак, луғат бойлигимиздан ўринли фойдаланиб, сўзларни жой-жойда ишлатишга эътибор бериш саводхонлик белгидир. Гарчи, айрим мулоҳазаларимиз кимгадир майда-чуйда бўлиб кўринса-да, бу хатолар тўғриланмаса, улар эртага ечим оғир, катта муаммога айланиши ҳеч гап эмас.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

Сен улутим, Сен буюгим баладдаги Ватанамсан,
Бир девор тупроқ ичинда қимматбахо матданамсан,
Тош ҳақиқат чизигида сарли сўзим-матанамсан,
Аждодлардан авлодларга етказган эл доноларин.

Мустақиллик заҳарларини ўз бағринга яширганнинг,
Бу заҳардан дамнинг қайтиб, сабр қосанг тоширганнинг,
Вақти келди ҳаммасини халқ ҳукмига тоширганнинг,
Мустақиллик — Озодликдан еру-қўқда садоларинг.

Сургул қони дунё-дунга хазинагини кўз-кўз қилар,
Совлар етмас бойликларинг келажакка зар из бўлар,
Тупроқларинг қат-қатидан олтин сандиқларинг тўлар,
Жайроғу, оҳулар билан созга ўтар саболаринг.

Кенг кўчалар, сўлим боғлар, кўркам уйлар безар сени,
Фавворалар шиддатидан кўқда булут сезар сени,
Янги авлод — фарзандларинг боғларингда кезар сени,
Янги шаҳар, янги ҳаёт бошинг узра ҳумоларинг.

Яшил эмблемали хаворанг жомакор кийиб олган навбатдаги суҳбатдошимиз Шин Тунг Гон "Hyundai Engineering" компаниясида техника бўйича мутахассис экан. У билан тушлик пайти танишиб, суҳбатимизни шу ернинг ўзиде, ишчилар ошхонасидаёқ бошлаб қолдик. Бизга

УСТЮРТ ГУРУНГДАРИ

Иккинчи мақола

хорижда саккиз йил ишлаб, корейсчани "сув қилиб ичиб юборган" нукуслик ошпаз қиз-жувонлар раҳбари Гуля Аббосова тилмоқлик қилиб турди.

Шин Тунг Гон асли кунсанлик. У беш йил аввал Чунгжу университетини битириб, кимё мажмуаларини лойиҳалаш соҳасида ишлаб малака орттирган.



Қаҳрамон Сафарниёзов, Ҳузурбай Абдураҳмонов хорижлик мутахассислар билан.

Темур Рейимов олган сурат.

— Мен иншоот қурилишда автоматик ускуналарни ўрнатишда иштирок этман, — дейди у. — Бу хориждаги илк лойиҳам. Шунинг учун, зиммамизда катта масъулият бўриладиган, албатта, бир оз ҳаяжонланаман ҳам. Бизга бу ер жуда ёқаяпти.

— Нима кўпроқ ёқаяпти? — деб сўраймиз Шин Тунг Гондан.

— Нуқсга Тошкент орқали учиб келдик. Ундан сўнг Устюртга келиб жойлашдик. Менга шаҳарларингиз ҳам, Устюртдаги кенг даштлар, оқшомлари осмонда порлаган юлдузлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси ёқаяпти. Рафиқам Ким Хона Сеулда қолган, у тиббиёт ҳамшираси. Шу кунларда фарзанд кутаяпти. У ҳам Ўзбекистонга жуда қизиқди, икки-уч ойдан сўнг Сеулга бориб қайтмоқчиман, унга ҳам юртингиздан олган таассуротларимни гапириб бераман. Жуда хурсанд бўлади.

— Туғилажак фарзандингизга қандай исм қўймоқчисизлар. Ким Хоним нима дейди? — дея қизиқишади ҳамроҳларим.

— Бизда исмини бобо ва бувилар қўйишади. Агар улар танлаган исм ёқмаса, ўзимиз бошқа исм таклиф қилсак бўлади.

— Бизда ўзбегу қорақалпоқларнинг удуми ҳам шундай. Қўрдинги, қанчалар бир-биримизга яқинмиз. Сен, жўра, яхисини хозирданроқ қорақалпоқча исмларнинг ўғилболобидан танлаб қўй. Мени айтиди, десанг уша бувиларинг ҳам "Хўп" дейди. — Ҳузурбайнинг бу таклифи ёқди шекли Шин Тунг Гон жилмайганча унга таъзим бажо этди. Биз суҳбатдошимизга омад тилаб, хайрлашдик.

Қурилиш майдони тобора орта қолиб бораркан, гардишимон улкан цилиндр шаклида тикланаётган полипропилен цехининг "бетон қўйлак" кийган бакуват арматуралари ажиб манзара касб этиб турарди. Улкан тошларда олдида белгиланган вақтда саф тортувчи қатор-қатор автобусларга чиқиб бир вақтда тушликка борадиган ва бир вақтда иш ўрнига қайтадиган, ҳар қайсиси ўз компанияси рамизи туширилган, ўзига хос тусдаги ишчилар жомакори кийган қурувчилар бундай иншоотларни тобора юксалтиришмоқда. Улар оқшом чоғлари қурилиш майдонидан "оғир спектакл кўриб чиққан томошабинлардай" ҳорғин қадам ташлаб чиқишиб, қўналғаларига яна

бир тунни "қаритгани" қайтишсалар-да, кенгликларга тўш урган сахро оқшомларининг ҳар бири бетакрор лаҳзаларга эш бўлади. Пароболик антенналар борқали дунёнинг истаган мамлакатини ойнаи жаҳонини кўрсатаётган телевизорлар интернет тармоғидан турфа ахборотларни бир зумда олаётган компютерлар, XXI аср тамаддунининг барча техника мўъжизалари уларнинг хизматида. Кимдир мобил телефон, планшет ёхуд интернет орқали ўз уйи, ота-онаси, севган ёри билан мулоқот қилиб, яна кимдир спорт майдончаларида, шахмат тахталари, теннис столлари устида беллашиб, Устюрт оқшомлари фанзига фойз қўшади. Мажмуа бунёдкорлари шанба ва якшанба кунларини ҳам мазмунли ўтказишади. Ва ҳар гал эрта тонгда хуш кайфият билан, бардам ва тетик ҳолда янги мажмуа қурилишидаги ўз юмушлари бағрига сингдиб кетадилар. Тез орада улар учун Нукус шаҳридаги музей ва театрлар, тарихий қалъа-қўрғонларга саёҳатлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилаётган экан.

Улуғ мақсад билан яшаётган, буюк иншоот барпо этаётган бунёдкорларнинг ҳар бири ўз ишидан мамнун. Айни чоғда уларнинг ҳар бирининг бир инсон сифатида ўз ҳаёти, ўз тақдири, қувонч ва ташвишлари бор. Мана, ҳозиргина танишганимиз — "Hyundai Engineering" компаниясининг техника бўйича муҳандиси Шин Тунг Гон Сеулда кўзи ёришини кутаётган аёлини соғинади, унинг биринчи фарзанди дунёга келадиган кунни гўзал орзулар билан кутади. Ўзи мажмуа қурилишига яқинда келганига қарамай, хотини

кўзи ёрийдиган кунларда навбатдан ташқари таътил сўраб, ватанига бориб келмоқчи, энг ханголи лаҳзаларда рафиқаси Ким Хона ёнида бўлиб, фарзанд қувончларини бирга тотини орзу қилади. Ҳузурбай билан дўстлашган Донхан Шин эса мажмуа тез қад ростлаб, унинг дастгоҳларини соғайтирган, махсулот сифатини аниқлаб берадиган корейлик лаборант қизлар келганда Устюрт баҳориде очилган чечаклардан гудаста ясаб "кўз остига олган" қизларга соғва қилишни ўйлайди. Ха, ҳаёт улкан мегаполислардагина эмас, пёвнсиз сахролар бағрида, ҳаммаёғи сув ёхуд қумликлардан иборат бир-биридан олис бурғилаш минораларида, Орол денгизининг сув қочиб очилган ҳудудларидаги Сургул каби конлардан углеводород ёниги сизаётган конопарлар қалбиде, уларнинг ўй-фикрлари, орзу интилишларида ҳам бирдек давом этади. Уларнинг ўйлари, дунёқарши, тақдирлари ҳар хил бўлса-да, ҳаммасини бир туйғу бирлаштиради. Ҳаммаси бош устидаги осмонни ҳаммаша мусоффо бўлишини, рўзғори тинч, юрти осойишта, кўнгли хотиржам ва орзулари осмон қадар юксак бўлишини истайди.

Бунинг учун одам боласи ўз илми ва тафаккурини инсониятни маъв этувчи ёвуз қуроллар яратишга эмас, тараққиётга хизмат қилувчи иншоотлар қуришга сарфлаши нечоғли мақсадга мувофиқ бўлур эди! Бундай дейишимиз боиси ҳозир Оқчалокда барпо этилаётган улкан мажмуага газ етказиб берувчи Орол денгизи ҳудудидаги Сургул конларидан анча юқориде жойлашган "Борса-келмас", "Возрождение" каби собик ороларда истиқлолдан олдинги даврларда қимёвий қуролларни сийновдан ўтказадиган йирик полигонлар мавжуд бўлиб, у жойларга ҳарбий мутахассислардан ташқари одам боласининг бориши ман қилинганди. Хайрат, юртимиз истиқлол қучиб, ўз еримизнинг эгасига айландик. Одам зотига кирган келтирлаган бундай хатти-ҳаракатларга барҳам берилди. Худуд қўрсатмасин, мустақилликка эришмаганимизда инсон зотини қириб юборишга қодир бундай қуролларнинг яна қанчадан-қанча янги турлари шу жойларда яратилиб, замин бағри қуфрли ишлардан озор чекиб ётган бўларди. Бугун эса биз истиқлолимиз шарофати билан ўз еримизни поклай бошладик. Янги қурилишлар қилиб, юртимизнинг ҳар қарич тупроғини обод этишга, Ватан истиқболига хизмат қилдиришга бел боғладик. Бу қутлуг жараён дунё ҳамжамияти томонидан қизгин эътироф этилмоқда.

Бугун кўз ўнгимизда юз бериб турган бунёдкорлик жараёнларидан анча олдинга ўзиб тасаввур қилдимизки, ҳозир "Афросиёб" тевзорар поездиде буюк аждодларимиз яратган Самарқанд мўъжизаларини томоша қилиб қайтаётган хорижлик сайёҳлар эрта бир кун келиб, Бухорою Шаҳрисабз, Қўқону Хивадаги осори-атикаларинигина эмас, худди ўшундай учар поездлар бағрида Устюртга келиб, ўз аждодларига муносиб фарзандлар яратган XXI мўъжизаларидан ҳам баҳраманд бўлушудир.

Негаки, истиқлолга эришиб, ўз юртини оммавий қирғин қуролларидан холи ҳудуд деб эълон қилган мамлакат Устюрт каби буюк кенгликлар бағрига охулар, кийигу сайёғоқлар беҳадик қадам қўйиб, неча юзлаб турдаги безавол қушлар эркин қанот қоқиб парвоз қилишига муносиб муҳит яратмоқда. Шу сабабли чорак аср муқаддам Орол бўйлари тарк этиб кетган қушлар яна ўз маконларига қайтиб келмоқдалар:

Муносиб мавжудотта меҳру шафқат бу,
Муносиб қалбиде балққан ҳамият.
То яшар қайдадир бу янглиғ туйғу,
Ҳар нечқ қирлиб кетмас табиат...

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Сўздан сўзинг фарқи бор...

"УЛОҚ"НИНГ "УЛОВИ"

Улов. Кейинги пайтларда бу сўз йўловчи ёки юк ташувчи транспорт воситалари маъносини ҳам англата бошлади. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "улов" сўзи қадимда "мини юриладиган ҳайвон", "иш ҳайвони" мазмунини билдирган "улағ", яъни "улоқ" сўздан келиб чиққан. Иш ҳайвони маъносини англатган "улоқ" сўзининг "эчки" маъносидеги "улоқ"қа айланиши галати. "Улов" сўзининг "улоқ" сўздан келиб чиққани диққатга молик. Қизиги шундаки, "улоқ" сўзи кейинги даврларга келиб "эчки" ва "қўпқари" маъноларини англата бошлаган.

"БАЛЧИҚ"ДАГИ "БАЛИҚ"

Балиқ. Балиқнинг сув жонивори эканини яхши биламиз. Манбаларнинг таъкидлашича, бу сўзининг бошқа маънолари ҳам бор. Қадимда девор, гишт девор билан ўралган қалъа, девор билан ўралган шаҳар ҳам "балиқ" сўзи билан ифодаланган. Масалан, "Бешбалиқ", "Бойбалиқ" деган жой номлари бор. Тилимизда бу сўзга яқин "балчиқ" деган сўз ҳам бор. Бу сўзларнинг туб илдизи бўлган "бал" сўзи асли "лой" деган маънони англатган. Яна баъзи манбаларда "сув жонивори" мазмунини билдирган "балиқ" сўзи "ярқираш" маъносидеги "балқ" сўздан келиб чиққан, деган тахминлар ҳам бор. "Балчиқ"даги "бал" "лой" маъносини англатган бўлса, русча "болота"даги "бол" мазмуни бу илдизга яқиникан, деган тахмин ҳам халёга келади. Лекин луғатларда "болота" сўзининг туб илдизи славян тилларида эканлиги таъкидлаб ўтилган.

"ҚАПЧИҒАЙ"

Қапчиғай. Юртимизда бу сўз билан аталадиган жой номлари ҳам бор. Мен Кумқўрғонда "Оққапчиғай" деган жой борлигини биламан. Манбаларда айтилишича, бу сўзининг туб илдизи мўғулча бўлиб, "қапчиғай" асли "дара", "тоғ йўли", "тор, ўтиш қийин бўлган жой" каби маъноларни англатади. "Қапчиғай" сўзига асос бўлган "қапчи" сўзи "икки ёндан қисий" деган маънони англатган.

"ҚУМҒОН"ДАГИ "ҚИМИЗ"

Қумғон. Тарихимизда ўчоқда чой қайнатиш учун кўзача шаклида ясалган идиш "қумғон" деб аталган. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "қумғон" сўзи таркибидеги "қум" сўзи "тўлқинлан", "қайна", "чайқал" деган мазмунни ифодалаган. У ҳолда "қумғон" сўзига "қимиз" сўзининг нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Бу сўзлар бир дарахтининг шохобчаларидай гап. "Қимиз" сўзининг ўзгаги ҳам "тўлқинлан", "қайна", "чайқал" маъносидеги "қум" сўзидир.

ЁЛҒОНЛАБ ЁЛЧИМАГАН ЯЛҚОВ

Ёлғон ва ялқов. Ёлғон борки, ялқов бор. Ялқов борки, ёлғон бор. Улар ҳаммаша ёнма-ён юради. "Ёлғон" ва "ялқов" сўзлари ҳам битта қосадан сув ичишади. Бу сўзларнинг туб илдизи "йал" бўлиб, у "алдов", "ёлғон", "алдам-қулдам гаплар" деган мазмунга эга экан. Бироқ "ёлчиқоқ" (йалчиқоқ) феълининг ўзгаги ҳам "йал" бўлиб, бундаги "йал" бошқа маънога эга. "Йалчиқоқ"даги "йал" сўзи "дам", "ором", "хотиржамлик" деган маъноларни англатади.

ДАРВОЗАНING ҚОПҚОғИ

Қопқоқ. Бу сўз идишининг уст томони, оғзини бекитиб турувчи қисми маъносиде маълум. Ҳўш, бу сўз қандай пайдо бўлган? Қадимги тилимизда дарвоза ва эшик "қопқа", "қапуғ" сўзлари билан ифодаланган. "Қопқоқ" сўзи ҳам аини шу эшик маъносидеги "қапуғ" сўздан келиб чиққан. Унинг туб илдизи "қопла", "ёп" деган маъноларни англатган.

Эшқобил ШУКУР

МУШТАРИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Фарғона вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида "Шарқ юлдузи" ва "Звезда" журналлари таҳририяти ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Анжуман-

ришларни мунтазам ёришти, мумтоз ва замондош адиблар ижоди, адабий-танқидий қарашларни, ижодий баҳсларни кенг оммага таништириш боришда мазкур газета ва

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида

журналлар муносиб хизмат қилмоқда. Шундай учрашувлар Марғилон педагогика коллежиде, Фурқат туманидаги "Тинчлик" қишлоқ фуқаролар йигини дала меҳнаткашлари ҳузурда ҳам бўлиб ўтди. Меҳнатқашлар, ўқитувчи ва ўқувчи ёшлар адабий нашрлар мамлакатимиз ижодкорларининг табарруқ минбари эканлигини эътироф этгани ҳолда, уларга ўзларининг таклифи ва мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбирларда таниқли шоир Икром Отамурод ҳамда Марғилондаги Увайсий номидаги ёш ижодкорлар тўғраги аъзолари ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Ахборот хизмати.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА

ДУНЁ ПОКЛИК ИСТАБ, СЎЗ ИСТАБ ТУРСА...

УСТОЗ

Кимга ўз боласин шовқини ёқмас,
Битта саволидан дили гашланар,
Сиз китоб кўрмаган тушлар татимас,
Бари шодлигингиз шундан бошланар.

Сочингиз қорасин, кўзингиз нурын,
Синфхоналарга сочиб келдингиз,
Белингиз қувватин, қалбингиз кўрин,
Тўкиб, оромлардан кечиб келдингиз.

Юртинг боласига улашиб меҳр,
Гоҳ ўз фарзандига етмаганимиз.
Ўттиз йил мактаб деб остона ҳатлаб,
Элдан бир зум нари кетмаганимиз.

Ўзимни овутиб, боламини алқаб,
Борингиз бахш этиб, билмайсиз тўзим.
Билм маърифатнинг машъалини тўтиб,
Йўлларим ёритган йўлчи юлдузим.

Мен Сизга нени ҳам тилардим бу дам,
Дунё поклик истаб, сўз истаб турса,
Умр деганлари заҳмату сабот,
Умр деганлари садоқат бўлса.

Оламнинг ҳикмати, одамнинг илми,
Бир мўъжаз вужудда йиғилган зотсиз.
Пойингиз гардини кўзга сурай деб,
Дунё оёғига йиқилган зотсиз!

ВАТАН

Дунёда сен борсан, мен ҳам сондаман,
Гоҳ айро тушмас касман, қандаман...
Ёдинг қайда бўлса, мен ҳам андаман,
Сенинг дийдоринг ташнаман, Ватан...

Бағрингга илҳизим ботиб бородир,
Тобора шукронам ортиб бородир,
Ҳаётбахш тонларим отиб бородир,
Кўксингга бир боғдай яшнарман, Ватан...

Тугини юракка қадаган бобом,
Дарёга от солиб сакраган бобом,
Жон бериб, юртини бермаган бобом,
Пойинг жонимни тўшарман, Ватан...

Ва лекин сенга тенг бир матоҳ — жон бор,
Қонимда момомдан юққан бир шов бор,
Дилни узиб, сенга туттувчи он бор,
Шу кунга ўзимни чоғларман, Ватан...



ШЕЪРИМ

Осмонларга туташган нарвон —
Кўнглим менинг, адашган қарвон,
Дунёда не гамлар тортидим,
Мен барини елканга ортдим,
Шеърим, сендан бўлак норим йўқ!

Муҳаббатнинг саҳроси қуюқ,
Муҳаббатнинг булоғи суяқ,
Чанқаб-ҳориб қайи чопмадим,
Булоғини ҳаргиз топмадим,
Шеърим, сендан эзу қорим йўқ!

Қай бедилга зоримни айтдим,
Эҳ, алдандим, сўзимдан қайтдим,
Рўём ўзинг, ўзингдан ҳақим,
Юз қароим, ўзинг юз оқим,
Шеърим, сендан ўтар зорим йўқ!

Номарларни ёр деб суюбман,
Суюб, қуюб, жондан тўйибман,
Не суд энди онглари ичмагим,
Гуноҳимдан кечгин, кечмагим,
Шеърим, сендан азиз ёрим йўқ!

Бор меҳримни елларга сочиб,
Ёлгонларга азалар очиб,
Келдим яна қошинга қочиб,
Тўлди бағрим, тўлди қўлочим,
Шеърим, сендек вафодорим йўқ!

Оби ҳаёт сизнинг севингиз,
Рухим гулдир, яшнаб бораман,

Мен томонга оқмай қўйсангиз,
Қовжирайман, қуриб қоламан.

Ҳаво янглиг сизнинг севингиз,
Жоним — қушча, юраман учиб,
Осмон бўлиб чорламасангиз,
Маҳв бўларман йўқликни қучиб.

Замин қадар сизнинг севингиз,
Бу омонат умримга доя,
Оёғимни тираб турмасам,
Қулаб тушар вужудим — қоя.

Қуёш эрур сизнинг севингиз,
Ғариб қулаб — юрагим, илло,
Бир тутам нур тушиб турмасам,
Зимистонга айланар дунё.

Бу синоат, бу мувозанат
Борлигини турмасам қуршам,
Ўз ўқимдан қиқиб кетаман,
Ўёғига бўлмайдим яшаб!

РУМИЙ ЙЎЛЛАРИДА

Ҳижрон даштдан эсмади бир сабо, бир насим,
Сизни бизга еткурмади, шаҳид ўлди хавасим.
Дерларки, кўнгли кўнглидан сув ичар,
Ташна зорман, гарчи ёнимдан ўтар дарёи азим.

Эй дўст, жамолинг менга офтобдир,
Ҳам зулмат туним ёритган моҳтобдир,
Туну кун васлинг насибни тиланаман,
Бошимни қўяй, оёғинг изи меҳробдир.

Эй, бебаҳо, беазир, лутфинг ила тоғ манам,
Кўкс гулу лола, чаман манам, боғ манам,
Воҳ, баридин мосувою, баридин доғ манам,
На тоғ манам, на боғ, адоғ-адоғ манам.

Юз шуқур, тақдир азалдир дунё,
Сен билан тўқисдир, тугалдир дунё.
Борлигинг борлигим нурга белаёйди,
Юз шуқур, кун-қундан гўзалдир дунё.

Эъозларингизни оқлайин имконим борича,
Рўёларингизни ҳақлайин иймоним борича.
Теши йўқ сувратингиз унсиз термулмақларингиз
Дил ойнасида сақлайин жоним борича...

Йўлингизда менчалик интизору мискин йўқ,
Умид бор, илиқ бор, лек дилда кин йўқ.
Дармайдман, соғинч отлиг ярамга
Дийдорингиздан бўлак малҳаму таскин йўқ...

Кўнглинг тоқилда бир ҳилол бўлсам, на ҳайф?
Икки оламга минг малол бўлсам, на ҳайф?
Манингдек зор учун жонсан, ҳаётсан,
Санингдек ёр учун увол бўлсам на ҳайф?

— Сен қўшимизнинг боғидан гул ўғирладингми?

— Мен ўғирладим демадим-ку, ота, жаноб Андоннинг боғидан гул уздим, дедим.

Дарғазаб бўлган қўшни орага гап қўшди:
— Ахир, шунинг ўзи ўғирлик эмасми?

— Йўқ, жаноб. Атиргул боғинг деворидан ташқарига осилиб турган эди, демак, у энди сизники эмасди. Гул кўчага чиқиб тургани сабабли сизга эмас,

Алваро ЮНКЕ,
Аргентина

МУАЛЛИМА УЧУН АТИРГУЛ

Уз кўзларим билан кўрдим!

— Ўзингизни босинг, қўшни, ўзингизни босинг. Аввал ўғлимдан сўрай. Нима бўлганда ҳам, хали унинг адабини бериб қўяман. Тўғриси айтганда, бу воқеа мени хавотирга солиб қўйди.

— Секин айтасизми, жаноб! Эсизгина, шундай ёш бола бўлатуриб-а...

— Ундай деманг! — Гюго Гомернинг отаси унинг сўзини бўлди. — Фурсат беринг, болани айбдор қилишдан аввал унинг ўзини ҳам бериб эшитиб кўрай. Бу ҳодиса мени ўйлантириб қўйди.

— Сизнинг ўринингизда бўлганимда болани бу йўлдан қайтарган бўлардим...

— Ҳақиқатан ҳам ажабланиб қолдим... — бамайлихотир сўзлашда давом этди Гюго Гомернинг отаси, — менинг ўғлим-а?! Шундай эсли-хушли, мўмин-қобил, шундай фаросатли, шундай таъсирчан бола...

— Дарров адабини бериб қўйинг, жаноб Алварес Хунко! — кучаниб буйруқ оҳангида вишиллади Бруно Андон.

— Албатта шундай қиламан, қўшни. Жаноб Алварес қўшни хонадан ўғлини чақирди:

— Гюго Гомер!
Гюго Гомер отасининг хузурига келди. Унинг кўзлари чакноқ, табассуми нузли.

— Лаббай, отажон! Ассалому алайкум! — деб Бруно Андонга салом берди.

У болақайнинг саломига алик олмади. Ота ўғлига қўшининг айблови ҳақида гапириб берди ва:

— Сен бунга нима дейсан, ўғлим? — деб сўради.

— Галингиз тўғри, отажон.

— Сен қўшимизнинг боғидан гул ўғирладингми?

— Мен ўғирладим демадим-ку, ота, жаноб Андоннинг боғидан гул уздим, дедим.

Дарғазаб бўлган қўшни орага гап қўшди:
— Ахир, шунинг ўзи ўғирлик эмасми?

— Йўқ, жаноб. Атиргул боғинг деворидан ташқарига осилиб турган эди, демак, у энди сизники эмасди. Гул кўчага чиқиб тургани сабабли сизга эмас,

кўчадан ўтганларга тегишли бўлади. Мен ҳеч қачон девордан ошиб, боқча тушиб атиргул олманман. Мен узган атиргуллар боғнинг деворидан ошиб, кўчага чиқиб турган эди.

— Айбисизлигингиз оқлашингиз жуда қулай йўлини топдингиз-а! — жаҳли чиққанидан томоғи бўғилиб қийиллади боғнинг эгаси.

— Бекор айтибсиз, қўшни! Ўғлим ҳечам ўзини оқлашга уринаётгани йўқ, — деди Гюго Гомернинг отаси.

— Нима-а? — ўзини идора қила олмай бақирди юборди Бруно Андон ва шу заҳоти нима дейишини билмай каловлиниб қолди. Унинг юзлари бўзарди, мангалайдаги томири ўқловдай бўртиб чиқди.

— Атиргулларни нима учун узган эдинг? — сўради ўғлидан ота.

— Мен гулларни илгариги мураббиям, иккинчи синф муаллимаси Мора хонимга совға қилиш учун узган эдим. У жуда ҳам чиройли! Овозлари бирман майин. Юзлари новотдек, кўзлари юлдуздай! Айтмоқчиманки... У менга жуда кўп меҳрибонлик қилган. Бизга иккинчи синфда дарс берган пайтларида менга қизиқарли китоблар совға қилган! Энди мен тўртинчи синфда ўқийганимда нима учун уни унутганим керак?

— Мухтарам! — қичқирди Бруно Андон. У болага "сиз" деб мувожаат қилди. — Сиз ўша меҳрибон ва гўзал қизни, собиқ ўқитувчинингиз унутганингиз учун таҳсинга сазоворсиз. Бироқ сиз нима учун унга менинг ҳисобимдан меҳрибонлик изҳор этяпсиз? Нега унга менинг гулларимни совға қиляпсиз?

— Мен сизга айтдим-ку, ахир, жаноб, ўша гуллар девордан ташқарига чиқиб турган эди.

— Шунинг учун сен, — ўшқирди у болани яна сенсираб, — уларни менга тегишли эмас,

Усмон БЕК

МУҲАББАТ БИР АЗИЗ ГУЛХАН

ҚИЙИН

Урилар ҳар ерга учса,
Ёғаётган қорга қийин.
Бошга оғир қушлар тушса,
Йўқ чидайди, борга қийин...

Майда-митти бўталоқлар,
Отар ҳар ён шаталоқлар,
Бир қарвоннинг шаънини оқлар,
Қарвондаги норга қийин.

Муҳаббат бир азиз гулхан,
Осиё ошқлардан қулган,
Маъшук эшигида турган,
Дили қуюқ ёрга қийин.

Биз-ку тушпа-тузук одам,
Мисли олтин узук одам,
Дердилар раҳматлик отам:
— Ҳаммадан беорга қийин.

БЕДОРЛАР

Атрофда нималар бўлмаяптия,
Эшитсанг жимирлаб кетади бадан.
Ғофиллар матога ёпишган қуя,
Бедорлар борлиги учун бор Ватан!

Уйда боланг қутар йўлингизга маҳтал,
Муаммонг сон мингта, қилмоқ керак ҳал.
Лек виждоннинг амри баридан афзал,
Шу орлар борлиги учун бор Ватан!

Умринг юрт тинчлиги дея ўтаркан,
Пирпираб мисоли кечадаги шам.


деб ҳисоблайсанми?

— Ҳа, жаноб.

— Судалар ўзгача ҳукм чиқаришган бўлур эди, шумтака, ўғри!
— Жаноб Бруно Андон, — дея ўртага тушди боланинг отаси, — Худо ҳаққи, боланинг руҳиятини жароҳатламаг. Кўриб турибсиз-ку, унинг юзлари оқариб кетди. Лаблари тираб, кўзлари ёшланди, у ҳозир йиғлаб юборади.

Бироқ сизни, жаноб Алварес Хунко, — сиздек муҳтарам ёзувчини манави тўққиз ёшли мишиқининг ўзини оқлаш учун ўйлаб топган бахонаси газаблантирмайдими?

— Йўқ! Сиз адашяпсиз қўшни, менинг ўғлим ўзини оқлаш учун ҳеч қанақа бахона ўйлаб топаётгани йўқ. У ўзини оқламапти. Бола мутлақо самимий, ўзининг беғубор юраги ила атиргулларингиз девордан ташқарига осилиб кўчага чиқиб тургани учун сизга тегишли эмас, деб ўйламоқда. Бундан ташқари, у гулларни сотиш учун узмаган. Агар у гулларингизни пуллаганида эди, ҳақиқатан ҳам ўғри бўларди. Ахир у гулларни совға қилган-ку. Бордию у гулларни ҳозирги ўқитувчисига ҳада



экансиз! Яхши қолинг, жаноб!

Бруно Андон оғзидан тупук сарчаб шляпасини фикимлаганча хонадан чиқиб кетди, аммо шу заҳотиёқ эшик қайта очилиб, унинг жаҳдан қизариб кетган башараси кўринди.

— Илтимос, жаноб, бундан сўнг мен билан саломлашаман, деб овора бўлманг. Барибир алик олмайман.

— Ҳўп бўлади, қўшни.

— Билиб қўйинг, сизни огоҳлантираман: агар ўғлингиз яна бир бор менинг атиргулларимни узса, сиздек тўтуруқсиз отанинг ўрнига уни ўз кўлларим билан жазолайман.

— Таҳдид қиляпсизми?

— Ҳа, бироқ, эҳтимол бундан ҳам яхшироқ йўл тутарман: шу бугунқоқ деворнинг ёнида ўсган гул буталарини томири билан суғуриб ташлайман, токи кўчадан ўтган ҳар хил ўғрилларнинг қўли атиргулга етмасин!

— Йўқ, йўқ! — қичқириб юборди бола. — Ўша гулбута шунчалар чиройлики! Уни суғурманг, илтимос! Бундан буён атиргулларга умуман теғмайман, сўз бераман...

— Мен уни суғуриб ташлайман, суғуриб ташлайман! — телбаларча бақирди Бруно Андон ва эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

— Ота, қип-қизил жинни экан-ку бу одам! — дея ҳайрон бўлди Гюго Гомер.

— У, албатта, ўзини ақлиман, деб ўйлайди, — таъкидлайди отаси. — У ва унга ўхшаган ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўювчи худбинлар бизни телба, деб ўйлашди. Ҳар эҳтимолга қарши, бундай жанжалларнинг олдини олиш учун бундан кейин бирорнинг боғидан гул узмагин, ҳўпми?

— Мабодо атиргуллар девордан осилиб ташқарига чиқиб турган бўлса ҳамми? — деди яна соддадиллик билан бола.

— Ҳа, ўғлим, гуллар кўчада турган бўлса ҳам узмагин. Мен эса ҳар ҳафтада сенга сеvimли ўқитувчингга совға қилиш учун гул сотиб олишга қанча пул керак бўлса, бериб тураман, ҳўпми?

— Ҳўп бўлади, отажон! Ота, биласизми... — дея жим бўлиб қолди бола.

— Ҳўш-ҳўш, нима демоқчисан, ўғлим?

— Биласизми, мен унга атиргул совға қилган пайтда у менинг бўйимга етгунча эгилди-да юзимдан ўпади. Унинг юзлари баҳмалдек, ҳақиқий баҳмалдек майин, иссиққина, хушбўйгина. — Яна уялибгина жим бўлиб қолади бола.

— Кўнглингиздаги гапни айтавер, ўғлим. Эшитаман, болам, нима демоқчиз эдинг.

— Ота, мен йигирмага кирганимда ана шу ўқитувчимга уйлансам бўладими?

— Ҳў-ҳў, яна ўн бир йил қутишинг зарур. Ҳўш, у ҳозир неча ёшда экан?

— Йигирмага. Ўзидан сўраб билиб олдим.

— Демак, сен йигирмага кирганимда у ўттиз бирга тўлади. Мисол учун, агар сен ўшанда унинг қизига уйлансанг, яхши бўларди. Нима дейсан?

— Унинг қизи ҳам ўзига ўхшаган чиройли бўладими?

— Албатта.

— Яхши, отажон, унда мен, айтиш, унинг қизига уйланаман.



Елкадаги юлдуз юкин кўтарган,
Шунқорлар борлиги учун бор Ватан!

БИЛМАЙСИЗМИ?

Кетганидек дилдан алам,
Гул юзидан тушди шабнам.
Гул чехраси нимага нам,
Аё дўстлар, билмайсизми?

Шовуллайди теран дарё,
Бағрида бор қанча маъно,
Келгай ундан ажаб садо,
Не деб сўзлар, билмайсизми?

Шўх наводан тинмай бирпас,
Шаддоқ булбул сайрайди маст,
Нега бургут балчиқимас,
Кўкни кўзлар, билмайсизми?

Рус тилидан
Рустам МУСЖИМОН
таржимаси.

Алишер Навоий мақом санъатини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан мукаммал билгани унинг назмий-илмий асарларидан аён. Аслида ҳам мақом олами Навоий бадий тафаккури, теран ва гўзал руҳий оламининг ажралмас таркибий қисмидир. Зеро, сўз мулки султонининг газалети шеърят услубида ифода этилган наволар уммони бўлса, мақомлар куй садолари воситасида таралган ҳикматлар уммонидир.

Шу боис Навоий газалларини мутлоа қилиб завқ олувчи муҳлиснинг, одатда, мақомларни тинглашга ҳам майли, эҳтиёжи бўлади, улардан маънавий-руҳий баҳра олади. Гўзал маънолар билан безалган бу ҳар иккала уммоннинг бир оламга боғланиши буюк ишқ тубайлидир.

Ҳазрат Навоийнинг: **Очмағай эрдинг жамолнинг оламоро қошки,** **Солмағай эрдинг бари оламга гавво қошки.** **Чун жамолнинг жилваси оламга содди рухтаҳез,** **Қилмағай эрди кўзум оми томошо, қошки** — каби оловли мисралари мақомлардаги ҳар бир асосий айтим йўлларида дебчока

рат Навоийнинг бутун умри давомида орзу қилган ҳаж сафарига интилиши ўз аксини топган. Шунингдек, «ҳаж гоёси» замирида буюк ҳақиқатга элтувчи маънавий камолот йўли — сафари ҳам англашилади. Байтларнинг мусиқий кесимидаги маъноларга келсак, уларда умумий қилиб айтганда, ошиқнинг «Ироқ» ва «Ҳижоз» мақом куйларини тинглашга руҳий эҳтиёжи борлиги аён бўлади.

Бизнинг даврга қадар етиб келган Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона — Тошкент мақом йўллари таркибида «Ҳижоз» мақомлари

Таъқиқот, ахборот

бир тартибда алоҳида садолантириш билан амалга ошади.

Шуни айтиш керакки, мақомларда кузатилаётган бу каби «ўшиш тамойили» дастлаб, қадимдан мерос бўлиб келаётган сода кўринишли, оддий (халқона) куйларни мумтоз талаблар даражасига келтириш мақсадида қўлланган кўринади. Хусусан, бизгача етиб келган «Наврўзи аҷам», «Наврўзи хоро», «Наврўзи Сабо» номли мақом асарларининг мутахассис олимлар томонидан «Халқ куйининг энг қадимий намунаси» («бирламчи чизиқ») тарзида тасниф этилган куйи оқим куй-оҳанглирида яққол намоён бўлади. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Кўпгина Шарқ халқлари азалдан Наврўз байрамини кенг нишонлаб, шу муносабат билан маълум куй ва ашуллаларни ижро этиб келганлар. Ўзига хос мавсумий маросим мусиқа-си сифатида халқ анъанавий ҳаётидан муқим ўрин олган бу тоифа куйлар кейинчалик мақом тузилмаларига киритилиб, мазкур услубнинг кўлланиши натижасида юксак ривожланган кўринишларга эга бўлган ҳақиқатга яқин. Шунингдек, мақомдаги «гоҳ» (яъни «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Панжгоҳ» шаклидаги) куй тузилмалари ҳам шу асосда ривож топган.

Алалхусус, инсоннинг маънавий камолот чўққисига эришуви мажозий услубда ифода этилган «Лисон ут-тайр» дostonида ўттиз кўш Семурғини излаб парвоз қилади. Машаққатли сафар давомида етти босқич — Талаб, Ишқ, Мърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру Фано водийлари бирма-бир «забт» этилади, аммо, пировардида улар Семурғни эмас, балки ҳар бири ўзини комилликка эришган ҳолда кўради.

Шуниси диққатга сазоворки, йўл интиҳоси билан эришилаётган «яхши сифат» гоёси мақом пардаларида ҳам мавжуд. Бунга Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақоми йўлларидаги «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ» мақом намуналари мисол бўла олади. Дастлаб оддий шаклларда бўлган «гоҳ» куй тузилмалари ўн икки мақом тизимининг ўшбалири гуруҳидан ўрин олган бўлиб, уларнинг мумтоз талаблар даражасида ривож топиши учун ҳар бирига алоҳида-алоҳида мукаммал парда уюмлари бириктирилган. Шунга биноан «Дугоҳ» шўбаси «Хусайний» мақомида, «Сегоҳ» шўбаси «Ҳижоз» мақомида, «Чоргоҳ» шўбаси «Зангула» мақом пардаларида баён этилиб, ривожлантирилган.

Алқисса, «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Чоргоҳ» каби кўхна мусиқа намуналари янги сифатлар кашф этгани ҳолда кейинчалик юзага келган мақом шакллари (Шашмақом, Хоразм мақомларида «Дугоҳ» ва «Сегоҳ», Фарғона-Тошкент мақом йўлларида «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ» мақомлари)дан ўрин олган. Мантиқий ҳулоса шуки, бу жараёнда авваллари қўллаб келинган «Сегоҳи-Ҳижоз», «Дугоҳи-Хусайний», «Чоргоҳи-Зангула» каби шўба ва мақом бирикмаларини англатувчи кўш номлар аста-секин ўз моҳиятини йўқота бошлаган. Чунки шўба (куй) тизимлари мақом пардаларида ривожланиши давомида уларга шу қадар табиий сингиб кетганки, натижада бу шўбаларнинг номлари нафақат ушбу пардалар доирасида тафаккур этилувчи янги куйларни, балки айти пайтда ана шу мукаммал пардаларнинг ўзини ҳам ифода этувчи тушунчаларга айланган. Адабий ва илмий асарлари қудрати, балогати тубайли мумтоз мусиқамиз оҳанглирига янгича бир жило, янгича наво ато этган ҳазрат Навоий ўзини «бир банда фақир хоксор, хониваши безътибор» деб билган, барча хайрли, савобли ишларни беиминнат адо этган.

Муродхўжа МУХТОРОВ

Юртимизда мусиқа ва кўшиқ санъатининг ривож топишида турли фестиваллар, мусиқий анжуманлар ва кўрик-танловларнинг ўрни катта. Ана шундай тадбирлар орасида бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Давр садолари» фестивалининг алоҳида ўрни бор. Жорий йилнинг октябр-декабр ойларида мазкур фестивал мамлакатимизда учинчи марта ўтказилади. Шу муносабат билан Бастакорлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Рустам Абдуллаевга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

МУСИҚА ВА ЗАМОН



— Рустам ака, «Давр садолари» мусиқа фестивалининг мамлакатимиз маданий ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб берсангиз.

— «Давр садолари» мусиқа фестивали уюшма томонидан ҳар беш йилда, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Консерватория ва бир қанча бадий жамоалар билан ҳамкорликда ўтказилади. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ва «Обод турмуш йили»га бағишлаб бу йил учинчи марта ўтказилаётган мазкур фестивал жамоатчиликни Ўзбекистон композиторлик ижодиётининг янги намуналари билан ақиндан таништиришга хизмат қилади. Мазкур фестивалнинг олдингиларидан фарқи шундаки, унда симфоник асарлар, халқ чолгулари оркестри учун яратилган, миллий хусусиятларни ўзида мужассам этган мукаммал асарлар янграйди, жазон ва ўзбек композиторларининг янги асарлари премьералар бўлиб ўтади. Тадбир доирасида бастакорлар Фанижон Тошматов ва Муҳаммадҷон Мирзаев, таниқли хонанда Назира Аҳмедова хотираларига бағишланган ижодий кечалар, мусиқа санъатининг бугунги кундаги ютуқ ва муаммолари мавзусида давра суҳбати ўтказилади. Концерт дастурларидан ўрин олган асарларни Миллий симфоник оркестр, камер оркестрлар, Т.Жалилов ва Д.Зокриевлар номидagi халқ чолгулари оркестрлари, «Сугдиёна» халқ чолгулари камер оркестри ижро этади.

жараён ичиға киришга эринадилар. Композиторларимиз беғараз, бепул кўшиқ ёзиб беришга ҳамиша тайёр. Уюшмамиз бу ишда хонандаларга, албатта, кўмаклашад.

— Ёш ижодкорлар, хусусан, ёш композиторлар учун уюшмада қандай шарт-шароитлар яратилган?

— Ёш композиторларнинг қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодини рағбатлантириш мақсадида эстрада, камер чолғу асарлари, вокал, хор жанрларида мунтазам ёш талаба-композиторлар танловлари ўтказиб келинмоқда. Истеъдодли талабаларимиз халқона композиторлар танловларида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Хусусан, Украинада, Россияда бўлиб ўтган халқаро ёш композиторлар танловларида Нодир Махаров, Нурали Эрқаев биринчи ўринга сазовор бўлишди. Шунингдек, Сеулда, Бокуда ўтган халқаро фестивалларда, Қозонда бўлиб ўтган «XXI аср замонавий мусиқа фестивали»да ижодий гуруҳларимиз муваффақиятли қатнашди.

Истеъдодли ёш ижодкорларни барча санъат турларида кечатиш жараёндa билан ақиндан таништириш мақсадида уюшма залида «Буюк ижодкорлар билан учрашув» туркумини ташкил этганмиз. Мазкур тадбирлар доирасида атоқли санъаткорлар, шоир ва адиблар, олимлар билан ижодий уршувлар ўтказилди. Бундай жонли ижодий мулоқотлар ёшларимизнинг маънавий дунёси ҳар томонлама бойишида муҳим омил бўлмоқда.

— Бугунги кунда уюшма олдида қандай вазифалар турибди?

— Албатта, мавжуд муаммоларни имкон даражасида ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, композиторлик ижодиёти янада кенг тарғиб этишга, концертларимиз нафақат консерватория ёки махсус ўқув даргоҳларида, балки республикамиз бўйлаб йирик концерт залларида ҳам ўтказишга эҳтиёж сезилмоқда. Бинобарин, композиторларнинг асарлари фақат профессионал доирада янграб қолмасдан, кенг омма эътиборига мунтазам ҳавола этиб турилса, реклама-тарғибот масалалари бироз кучайтирилса, халқимиз, айниқса, ёшлар орасида бу санъатга қизиқиш ортади. Мусиқа ва санъат мактаблари, коллежаларнинг ўқувчиларини зарур мусиқа адабиётлари билан таъминлашга кўмаклашиш, композиторларимиз ёзган асарларни нашр этиш ишларини йўлга қўйиш ҳам режамиздаги асосий ишлардандир. Шунингдек, бугунги ижодий жараёнга ҳамоҳанг тарзда уюшмани замонавий техника воситалари билан жиҳозлашни ҳам кўзда тутганмиз. Республика мусиқа маданияти ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай долзарб масалаларни ҳамжиҳатликда, маълум режа асосида ҳал этиш мақсадида мувофиқ.

Муҳайё НАБИЕВА суҳбатлашди.



сининг ушбу кенг миқёсli байрамида иштирок этиш катта шараф бўлди. Президент Исрол Каримов ўз табриғида қайд этганидек, ушбу фестивал нафақат мусиқа санъатининг ривожланишига, балки дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади».

«Мазкур анжуманда катта мамнуният билан иштирок этдик, — дейди «Днипро» ансамблининг бош директори ва яккахон ижрочиси, Украинада хизмат кўрсатган артист Елена Кулик. — «Шарқ тароналари» фестивали жуда катта аҳамиятга эга, чунки у барча китталар вакилларининг маданияти ва санъати билан танишиш учун қулай имконият яратмоқда. Шунингдек, анжуман хилма-хил тил, дин, урф-одат ва анъаналарга эга халқларнинг жиқлашувиға, ўзаро дўстлик, тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир».

«Жаҳон» АА.

МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК МАҚОМЛАРИ

бўлиши мумкин. Донишманд шоир асарларига гўё дурдек сочилган мақом истилоҳлари шунчаки «лирик чекиниш» эмас, муайян фикр, гоёнинг энг муҳим нуқтаси, баъзан ботиний ҳулосаси тарзида намоён бўлади. Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг, умуман, мусиқа борасидаги қарашларини ҳам назардан қочирмаслик керак. Хусусан, «Лисон ут-тайр» фалсафий дostonида шундай мисраларни ўқиймиз:

Бўлса лажну нағмада огоҳлиғ,
Беҳки тоат вақтида гумроҳлиғ.

Яъни, кую нағмани тинглаганда даргоҳи азали эслаб, илк Хитобдан огоҳ бўлиш гумроҳ ҳолда қилинган тоат-ибодатдан-да яхшироқдир. Шу аснода мақомларнинг номлари битилган куйидаги байтларга эътибор берайлик:

Қади ҳажринда торсанг нола,
«Рост» оҳанги, эй Навоий туз.

Машҳур ўн икки мақомлардан бирининг номи бўлган «Рост» атамаси тасавуфда тарихат йўли(Роҳи-рост)ни ҳам ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, байт мазмунини куйидагича шарҳлаш мумкин: айрилиқдан (ҳижрондан) дард чекувчи (ёки ёр васлиға интилувчи) ошиқ, тарихат йўлига кирсин. Чунки бу йўл-шу мақсадга йўллангандир. Мақомлар кесимидаги «Рост» ни назарда тутсак, ушбу байтдан куйидаги маъно келиб чиқади: эй ошиқ, агар сен ҳижрон азобида бўлсанг «Рост» мақоми (ҳақиқатга интилувчи куй) оҳанглирини тузгин. Чунки бу мақомда садоланган куй, оҳанглир ошиқ қалбига орому фазз етказди ва балки руҳияти юксалиб, исталган завқ ҳолатига ҳам эришиши мумкин. «Рост» мақомининг инсон руҳига бу каби фавқуллода кучли ҳиссий таъсир этиш сабаблари, энг аввало, ундаги мукаммал пардалар уюшмаси ва шу асосда куй оҳанглирининг муайян ривожланиш услуби билан ҳам тавсифланади. Айни байтда мазкур байт мазмунини ўлароқ, мақомлар мусиқасида ҳам тасавуф гоёлари инъикос этилганини фаҳмлаш мумкин. Бу борада Навоийнинг куйидаги мисралари диққатга сазовор:

Эй Навоий, сен доғ қилсанг тамаш сайри «Ҳижоз»,
Қил «Ироқ» оҳанги тарк айлаб Хуросон мен каби.
(«Наводир уш-шабо» дан.)

Эй Навоий, то муқаррар қилдим оҳанги «Ҳижоз»,
Гоҳ «Ироқ», гоҳ, «Аҷам» сари тараннум айларам.
(«Хазойин ул-маоний» дан.)

Мисраларда келган бир неча маъноларни ифодолувчи «Ҳижоз» ва «Ироқ» мақомларининг номлари очкич янглиғ аҳамиятга эга. Ҳижоз муқаддас Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара шаҳарлари жойлашган сарҳадни эслатса, Ироқ мамлакатнинг номига ишора. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу номларнинг ўзаро нисбати улғу ҳаж сафарига ташбеҳ этилади. Бундан Ҳижоз — сафардан кўзлаган асосий мақсад тимсоли, Ироқ эса шу мақсадга олиб борувчи олис йўл рамзи сифатида келади. Зеро, Навоий замонларида Ҳижоз манзилига етишмоқ учун Ироқ чўлларида ўтилган. Демак, юқорида келтирилган байт мазмунинида ҳаз-

қоми (аниқроғи, унинг номи) учрамайди. «Рост» мақоми эса Навоий давридaн буён қарийб ўзгармаган бўлиб, у инсон қалби ва идроки учун энг маъқул ва манзур даражада мукаммал уюшган пардалардан биридир. «Ироқ» мақомида ҳам пардалар тизими шу каби мукаммал кўринишга эга.

Аслида тарақиёт босқичларида руҳий-маънавий юксалишнинг бадий инъикоси сифатида шаклланган бу услуб нафақат мусиқада, балки деярли барча ижод соҳаларида, жумладан, кўп жиҳатлари билан мусиқага яқин бўлган бадий адабиётда ҳам юзага келган. «Босқичма-босқич юксалиш» (ёки мақом) услуби деб тавсифланиши мумкин бўлган мазкур бадий тамойил Навоий ижодида (турли назмий асарларда) кенг намоён бўлади. Шунингдек, бу услуб «Хамса», «Лисон ут-тайр» каби йирик асарларида ҳам юксак истеъдод билан кўлланадиги, натижада келиб чиқши манбалари қадимги дунё («Садди Искандарий») ва ундан кейинги даврларга тааллуқли айрим воқеа ва фольклор мавзулари («Саъбаи сайёр», «Лайли ва Мажнун») асосида ҳайратомуз дostonлар юзага келади.

Масалан, «Саъбаи сайёр» дostonида Навоий Баҳром Гўр мавзусини тубдан қайта ишлаб, унга қадимги юнонларнинг етти фалак хусусидаги қарашларини уйғун сингдиради. Натижада, асар бош қаҳрамони Баҳром Гўр ошиқ шох сифатида гавдаланади. Достон композициясида муҳим ўрин тутган етти сайёра ҳикояси эса «Одам ва олам бирлиги» кесимида талқин этилиб, уларнинг ҳар бири тарихат, юксалиши рамз этувчи алоҳида-алоҳида ранг билан тасвирланади. Бинобарин, асар воқелигининг ҳикоядан ҳикояга ривожланиши сайёралар билан бирга рангларнинг ҳам алмашиниб (1-қора, 2-сарик, 3-яшил, 4-шафақ, 5-мовий, 6-сандал тусли, 7-оқ) туришида ўз аксини топади. Босқичма-босқич ўсиш услубининг мақомларда кўлланиши ҳам маълум маънода ўзгача. Деярли бошланғич ва асосий қисмларда изчил намоён бўлувчи мазкур услуб мазмунинида кичик қамровли куй тузилмаларини

“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”НИНГ НУФУЗИ ЖАҲОН МИҚЁСИДА ТОБОРА ОРТМОҚДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тадбирда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган ижодий жамоалар турли-туман дастурларини намойиш қилди. Улар куй-қўшиқ ихлосандарларида ёрқин ва унутилмас хотиралар қолдирган энг сара санъат асарларини тақдим этидилар.

Мусиқий анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг жўшқин ва сермазмун табрик сўзини тинглашга мурассар бўлдик. Давлатингиз раҳбарининг «Шарқ тароналари»нинг мақсад ҳамда гоёлари мусиқа санъатини улуғлашга, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқали таранум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатлар вакилларини ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш,

дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани, айниқса, эътиборлидир, дея билдирган фикрларини тўла қўллаб-қувватлайман».

«Самарқанднинг қадим маданияти, кўп асрлик ўтмиши ва диққатга сазовор масканлари мени доимо ўзига мафтун қилиб келган, — дейди «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси, Жанубий Корея Халқаро фольклор санъати ташкилотининг бош қотиби Мун Хюнг Сук. — Ўзбекистон халқи ниҳоятда меҳнатқаш, самимий ва камтарки, бу корейс халқининг мадани-

яти ва анъаналари билан муштаракдир. Халқларимиз маданиятида, айниқса, анъанавий ва миллий мусиқа асбобларимизда жуда кўп ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

Фахр билан шуни алоҳида қайд этишим жоизки, мен еттинчи марта «Шарқ тароналари»да ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида қатнашдим. Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг халқаро анжуманнинг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ёдимдан сира чиқмайди, деб ўйлайман. Чунки мамлакат раҳбари «олижаноб мақсадларни ўз зиммасига олган,

турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият вакилларини азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қиламиз, сизга берилган истеъдод ва талант олдида таъзим қиламиз», дея ўзбек халқининг ҳақиқий меҳмондўстлигини яққол намоён этди. Қисқача айтганда, «Шарқ тароналари» тўққизинчи фестивали бу сафар ҳам энг юксак даражада уюштирилдики, бу унинг барча қатнашчилари томонидан эътироф этилди.

«Ўзбекистонга келганимдан кейин ҳайратланиш ҳисси мени сира тарқ этмади, — дейди Озарбойжон Миллий

Мажлиси депутати Этибар Гусейнов. — Халқаро мусиқа анжуманининг тантанали очилиш маросимида эса ўзбек халқи нақадар бой маданият ва санъатга эга эканлигиға яна бир мартаба ишонч ҳосил қилдим.

Айниқса, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очиккўнглиги, самимияти ва жонқуярлиги менга жуда ҳам ёқди. Форум қатнашчиларининг даражаси ва ўзининг мукамал гўзаллиги билан кишини лол қолдирадиган қадим Самарқанд юксак ҳурмат-эҳтиром ва таҳсинга сазовордир.

Мен учун дунё халқлари мусиқа-

“ЧИРОҒИ ЁНИҚ ХОНАДОН”

Ҳажвчи ёзувчи, публицист ва таржимон Ҳабиб Сиддиқнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган “Чироғи ёниқ хонадон” сайланмаси таниқли адабиётшунос олим Йўлдош Солижоновнинг “Яхшиларнинг Ҳабиби” номли сўзбоши билан очилади. Китобда ёзувчининг ижодидан сараланган ҳикоялар, ҳажвчилар, ҳангома ва жаҳон ҳажвиёти хазинасидан таржималари жамланган. Китобни ўқиган



ўқувчи чехрасида бенхтиёр самимий табассум пайдо бўлади. Ундан ўрин олган асарларда кундалик турмушимизда учраб турадиган иллатлар, камчиликлар киноя ва қочиримлар воситасида ўзбекона лутф билан кулги остига олинади.

Китобга шоир Шукр Қурбон муҳаррирлик қилган. Янги тўпламга кирган ҳангома-лардан айрим намуналарни гавестхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

ТААЖЖУБЛАНМАНГ

— Эшитдингизми, шаҳримиздаги айрим ошхоналар таомномаларида фил гўшtidан тайёрланган шўрва пайдо бўлганмиш.

ЛИКОПЧА БАНД БЎЛМАСИН

“Табассум” чойхонасида ижодкор дўстлар гурунгида баҳс авжига чиқди. — Шейрингизда маъно дуруст, бироқ бўғинлари унча тўғри келмаётганга

Ҳаётда хангомалар

ўхшайди, — деди ширин бўлиб ўтирган улфатлардан бири навбатдаги шеър муҳокамасида.

— Бекор гап! — андак жажланли ширакайф шеър муаллифи. — Мана ўзингиз яна бир ўқиб кўринг. Агар бирор сатрида бирор бўғин кам ёки ортиқ бўлса, кулогимни шартта кесиб мана шу ликопчага солиб бераман!

— Ҳай-ҳай ундай қилманг, — деб уни шаштидан қайтардим мен, — кулоқ майлику-я, лекин, ликопча банд қилманг, огайни.

ЎЧИРИШНИ УНУТМАНГЛАР

Болалар боғчасидаги эълон: “Азиз болақонлар! Ухлаш хонасига қираётганда бошқаларнинг оромини бузмаслик учун уяли телефонларингизни ўчириб қўйишни унутманглар”.

КЕЛИШИБ ОЛГАН ЯХШИ

Бир кишига дағдағали хат келди. “Ўн минг долларни фалон манзилга олиб келинг. Ақс ҳолда...” У одам бу ҳазилкашларнинг иши экан-

нини билиб белгиланган жойга пул ўрнига жавоб хати кўйди:

“Айтган пулингизни беришга розиман. Фақат фоизини келишиб олишимиз керак”.

КАМТАРЛАР

— Мен ҳам кейинги пайтларда сизга ўхшаб сал паришонхотирроқ бўлиб қоляман-да, устоз.

— Хафа бўлманг, буюк одамлар ўзи сал паришонхотирроқ бўлишади.

ҲАММА БАШОРАТЧИ

— Газетамиз тахририятига мунажжим башоратини ёздиган одамни ишга олишимиз керак эди.

— Унақа одамни топиш қийин бўлаётгандир.

— Тескариси бўлди. Одам кўп, танлов ўтказмоқчимиз.

ЭШАКНИНГ ТОҒАСИ

Бир одам эшагини боғнинг четига боғлаб кетибди. Бир мuddат ўтгач ўша одамнинг хотини хабар олай деб келса, боғдон эшакни калтаклаётган эмиш.

Буни кўрган халиги аёл ёлворибга тушибди:

— Кўйинг тоғаси, урманг. Кўйинг, тоғаси...

Боғдон анграйиб қолибди-да:

— Қанақа қилиб эшакнинг тоғаси бўлман, янга, — дептию, кўл силтаб жўнаб кетибди.

Соғланган — бойланган

ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР — ХАСТАЛИК ШИҒОСИ

Дори-дармон билан муолажага қўшимча тарзда буюриладиган шифобахш гимнастикадан кўпгина хасталикларни даволашда фойдаланилмоқда. Эракаларда кўп тарқалган сурункали простатит ва простата аденомаси касалликларининг олдини олишда ҳам гимнастика машқлари тавсия этилади. Дори-дармон воситасиданги муолажалар билан бирга қўлланадиган гимнастика машқлари бу ёқимсиз хасталикни даволашда жуда яхши самара беради. Қўйда простата аденомаси ва сурункали простатитни даволаш учун махсус гимнастика машқлари мажмуини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1. **Бошлангич ҳолат:** турган ва оёқларни елка кенглигида қўйган ҳолда қўлларни бош устига қўтариб, кафтлар бир-бирига (қарсақ чалгандаги каби) тегилади. Нафас чиқараётиб, секин ва охишта ярим ўтириш ҳолатида букилинг: бунда тиззалар икки томонга ёйилади ва бир вақтнинг ўзида кафтларни ажратмасдан тирсақ ва тиззаларнинг бўғинлари 90 даражага бурчак ҳосил қилишга аҳамият бериш. Нафас чиқараётиб, бошлангич ҳолатга қайтинг. Бу машқ 3-7 марта такрорланади.

2. **Бошлангич ҳолат:** турган ва қўлларни туширган ҳолатда навбати билан оёқларни букиб, тиззаларни бел бандлиги қадар юқори кўтаринг. Елқани тўғри тутишга ҳаракат қилиб, эркин нафас олинг. Машқни шохмасдан ҳар бир оёқда 3-12 мартагача бажаринг.

3. **Бошлангич ҳолат:** ярим ўтириш ҳолатида гавдани озгина олдинга эгиб, қўлларни тушириб бир-бирга боғланг. Нафас олаётиб гавдани ростланг ва навбати билан аввал бир оёқни, сўнг иккинчисини кенг ёйинг, бир вақтнинг ўзида қўлларни ҳам икки тарафга ёйинг. Нафас чиқараётганда бошлангич ҳолатга қайтинг. Машқни раво ва охишта, ҳар бир оёқда 3-9 мартагача бажаринг.

4. **Бошлангич ҳолат:** қорин билан ётиб, унинг остига кичик-роқ резина тўп ёки катта теннис тўпини қўйинг, оёқлар жуфт бўлсин. Қўлга таянган ҳолда 1-3 дақиқа давомида тўпни қорин билан икки тарафга жилдириг.

5. **Бошлангич ҳолат:** қорин билан ётган ҳолда оёқларни бирлаштириб, қўлларни бош остига қўйинг. Сўнгра оёқларни, бош ва елқани озгина қўтариб, қўлларни икки томонга ёйинг. Шу ҳолатда иккинчи қадар кўпроқ туришга ҳаракат қилинг. Аввалги ҳолатга қайтиб бўшашиг. Машқни охишта, эркин нафас олиб 3-7 марта такрорланг.

6. **Бошлангич ҳолат:** елка билан ётган ҳолда қўлларни ён томонга қўйиб, оёқларни тиззадан букинг. Тиззалар орасида тўп бўлсин тўпчани тиззалар кучи билан 5-7 сония қисинг. Сўнгра бўшашиг, эркин нафас олиб, машқни 3-9 марта такрорланг.

7. **Бошлангич ҳолат:** елкага ётган ҳолда қўлларни ёнга қўйиб, оёқларни тиззадан букинг. Елка, қўллар ва оёқ товоқларига таянган ҳолда гавдани кўтаринг. Шу ҳолатда 6-10 сония туринг ва бошлангич ҳолатга қайтинг. Эркин нафас олиб, машқни 3-10 марта секин-аста бажаринг.

8. **Бошлангич ҳолат:** елка билан ётган ҳолда оёқларни тиззадан букинг, қўлларни кенг ёйинг. Қўлингизни ердан узмаган ҳолда бош ва танани чап томонга буринг; бир вақтнинг ўзида тиззадан букилган оёқларни ўнг томонга эгинг, яъни умуртқанинг бел қисмини бураниг. Сўнг аввалги ҳолатга қайтиб, бош ва гавдани ўнг томонга, оёқларни чап томонга бурган ҳолда машқни такрорланг. Эркин нафас олиб, ҳар тарафга 2-6 мартадан такрорланг.

9. **Бошлангич ҳолат:** тўпнинг устига ўтириш ҳолда қўл билан гавдани мувозанатда ушлаб, 3-5 дақиқа давомида тўпни чот ва думбалар орасида гилдириг. Бунда аста-секинлик билан тўпга босим ошириб борилади.


10. **Бошлангич ҳолат:** қўлларни ён томонга қўйган ва оёқларни бирлаштирган ҳолда елкада ётинг. Қўл кафтларига таяниб, оёқларни секин юқорига кўтаринг, сўнгра гавдани юқори кўтаришда давом этинг ва қўлларни елка остига қўйганга гавданинг мувозанатини тўғри тутинг. Қўллар куракка қанча яқин бўлса, шунча яхши. Шу вазиятда 10 сония туринг, бурун билан секин ва энгил нафас олинг. Ҳар 10 кунда бу вазиятда тура олишга 10 сониядан қўшиб боринг, токи 200 сонияга етказиб олгунча. Машқ бир марта бажарилади ва охирида тез туза кетиш тавсия қилинмайди. Бошлангич ҳолатга қайтгач, 10-15 сония ўзингизни бўш қўйиб ётинг.

11. **Бошлангич ҳолат:** бу машқ ўтириб туриш ҳолатини кўзда тутди. Қўллар билан ва тиззага таянган ҳолда ерга эгилинг, ўтириш ва сўнгра тик қўтарилиб юқорига сақранг. Бунда қўлларни юқорига ташланг. Аввалги ҳолатга қайтинг ва эркин нафас олинг. Машқни ўртача маромда 3-10 марта такрорланг. Эслатма:

- 1. 5, 10, 11-машқлар қон босими юқори бўлган кишиларга, 8-машқ умуртқаси қийшайган кишиларга тавсия этилмайди.
2. 10-машқ ҳам юрак-қон томир хасталиклари ва умуртқа қийшайишидан азият чекувчи кишиларга буюрилмайди.
3. Ўткир простата шомолаши ёки сурункали простата хуружидан сўнг мазкур машқлар мажмуи оғриқлар йўқолиб, ҳарорат ва сийдик чиқариш мўътадиллашгач, яллиғланиш жараёнлари кетгачгина бажарилиши мумкин.
4. Машқларни адо этиш пайтида бирон жойда оғриқлар сезилмаслиги керак. Гениталий соҳасида дискомфорт сезилса, 5-10 кунлик мунтазам машқлардан сўнг йўқолади.

Интернет хабарларидан.

“АҒАБИЙ”



Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгесбой Каримовнинг Нукусдаги “Билим” нашриётида “АҒАБИЙ” деб номланган тарихий романи нашрдан чиқди.

Икки китобни ўз ичига олган романда қорақалпоқ халқининг XVIII-XIX асрлардаги ҳаёти халқни бирлаштириб, озодлик учун курашган алп ўғлонларнинг бошидан кечирган оғир ва зиддиятли тақдир йўллари баён қилинган.

Асосан шоир сифатида танилган К.Каримовнинг шеърли китоблари, бир қанча таржима асарлари, кўплаб пиёсалари китобхонларга ҳавола этилган. “АҒАБИЙ” муаллифининг насрда яратган илк ижодий иши. Халқ тарихи, ўтмиш маданиятига қизиқувчилар учун муҳим манба ҳамдир.

Китобга Р.Полновниёзова муҳаррирлик қилган.

Мухлиса ХОЛМАТОВА

“ҒАРОЙИБАТ”

Теварак-атрофиниз ғаройиб воқеа-ҳодисаларга тўла. Фақат уларни кўрмоқ, туймоқ, ибрат олмақ учун қалб кўзи очиб бўлмоғи лозим.

Истеъдодли ёзувчи ва журналист Суюндиқ Мустафоевнинг “Сано-стандарт” нашриётида чоп этилган “Ғаройибат” номли китобида (сўзбоши муаллифи Тохир Малик) инсон қалбини, маънавиятини мунавар этадиган ғаройиб воқеа ва ҳодисалар ўзига хос услубда баён қилинган.

Қўйда китобдаги ана шундай ибратомуз воқеалардан бирининг баёнига эътиборингизни тортамиз.



Нақл: «Бир дарвиш улардан (Баҳоуддин Нақшбанддан) жидду жаҳд билан сўради:

— Худо ҳаққи, рост айтинг, озгина фурсатда бу даражага (яъни валийлик мақомига) қандай етишдингиз?

Ҳожамиз:

— Ушоқ теришдан, — деб жавоб қилдилар...».

(Абул Мухсин Мухаммад Боқир, «Баҳоуддин Балогардон»)

Халқона ҳикматда «Нон ҳам нон, увоғи ҳам (ушоғи) нон» дейилишидаги маъно бу жавобни янада равшанлаштириб, уволдан сақланган инсоннинг таърифини келтиради.

Нақл ва ҳикматлар мазмунида «гуноҳ», «зоғ», «исроф» хавфи бор. Қаердаки, кимдаки бу хусусда андиша бўлмаса, бундан кун қора тортайверди... Кўксидан армон қолди:

— Уша воқеа менга бир синов бўлдимми?!.. Нодонлигим?!.. Ишқилиб, увол тутар экан!.. Бировлар ундан эмас, кўзингга эҳтиётсизлигингдан кукун тушган дейди. Балки... Лекин мен уша воқеадан, қайсарликдан айтган сўзларимдан пушаймонман...

Воқеа:

Нуроталик Гаффор ҳожи Обидов машҳур чорвадор. Ўта меҳнатқаш ва тадбиркор. Республикамиз даражасидаги қорақўлчилардан десак ҳам янглишмаган

пўчоғу увоқ ер билан битта бўлди. Сакраб яна бир тепди, атроф буланди:

Чол қаҳланди:

— Ҳой телба, териб ол, кўр бўласан!

— Эй гўр! Кўзим оқиб тушсин...

— Товба де, нодон...

— Демайман! Демайман!! Демайман!!!

...Қанча сувлар оқиб кетди, қанча боболар ўтиб кетди. Бола эр

УШОҚ

йигит бўлиб, ҳарбийдан кейин қурувчилик қилди. Тасодифда тепадан нимадир кўзига тушгандек бўлди. Биров чанг деди, биров темир қириндиси деди, бормаган дхутуру, кўрсатмаган табиб қолмади. Бугун ундай, эртан бундай, кўз кундан-кун қора тортайверди...

Кўксидан армон қолди: — Уша воқеа менга бир синов бўлдимми?!.. Нодонлигим?!.. Ишқилиб, увол тутар экан!.. Бировлар ундан эмас, кўзингга эҳтиётсизлигингдан кукун тушган дейди. Балки... Лекин мен уша воқеадан, қайсарликдан айтган сўзларимдан пушаймонман...

Воқеа:

Нуроталик Гаффор ҳожи Обидов машҳур чорвадор. Ўта меҳнатқаш ва тадбиркор. Республикамиз даражасидаги қорақўлчилардан десак ҳам янглишмаган

бўламан: ўрни ва ҳурматида «Хизмат кўрсатган чорвадор».

Иттифоқо, йўлимиз шу киши билан Гиждувонга тушди. Зиёрату тижоратлардан кейин сўлим таомхоналардан бирига кирдик...

Дастурхонда уч бурдача нон қолди. У киши дуодан кейин хотиржамгина уларни териб олиб, тоза рўмолчага ўраб тўрвахалтасига солди. Шерикларимиздан бирининг майноли қарашини сездимки ёки айтилмаган саволга жавоб дедимки, кулимсирабгина изохга ўтди:

— Ризқни ташлаб ёки қолдириб кетмаслик керак. Биздан кейин бу нон бурдаларини ҳеч ким емайди. Қолдиқ деб сал инсофи бори мол учун мўлжаллайди. Худодан кўрмагани ювиндига қўшиб тўкиб юборади. Хозиргина «берган ризқу насибасига шукр қилиб, мўл-қўллик сўраб» дастурхонга дуо қилдик. Амадда унинг зиддини қилсак, нима бўларкан?! Отам насиҳатини олиб эсимни таниганидан буён нонни ҳам, ушоғини ҳам увол қилмайман. Худо берган давлатни шу иш баракотидан деб биламан...

Ноннинг уволи тутишини айримларда кўрганман.

Ҳазрат Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да демишким: Олам аро ҳарне хувайдо дурур, Сирри анинг зимнида пайдо дурур.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Нўмонжон Раҳимжоновга турмуш ўртоғи **Наима РАҲИМЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Театр ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Норовга ўғли **Шерзоджон НОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазвия изҳор этади.

Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри жамоаси театрининг бадиий раҳбари ва бош режиссёри Сергей Каприеловга онаси **Лидия КАПРИЕЛОВА** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТИШИНГИЗ ОҒРИСА...

Аслида «юпка» сўзи турли товуш ўзгаришларига учраб «юбка» шаклига келиб қолган. Тилшунослар баҳсидан.

Тез ва сифатли оздираман, тез ва сифатли семиртираман. Хусусий эълон.

«Теша тегмаган гаплар» эмиш. Теша тегмаган бир гап қолувди энди. Тилчи муаллим эътирози.

Нима гап, ўпкангни қўлтиклаб қолибсанми? Гўшт растасидаги сўхбатдан.

Қулоққа чаланган гаплар

Улкан шоир «Олтин бузоқча» романи билан ўзига муносиб ҳайкал қўйиб кетди. Адабиётшунос маърузаси.

Тушунганлар тушунмаганларга тушунтириб қўясизлар. Инглиз тили муаллимининг буйруғи.

Севгилим тўр қўйлак қийган экан, тўрига илиниб қолдим. Ошиқ йигит ҳасрати.

Еллар ўпса юзингдан қизғонаман. Ошиқ йигит раши.

Қўлимиздаги самимий тилакларни ўз эгаларига етказиб қўямиз. Радиобошловчи сўзи.

Калларга соч, кўсаларга соқол экамиз. Эълондан.

Бугунги кунда ўтирса роман, турса қисса, юрса ҳикоя ёзиб қўядиган адиблар пайдо бўлаётир. Мунаққиднинг куйиниши.

Тишингиз оғриси, оёқни иссиқ тутинг. Шифокор маслаҳати. Хусанбой ТОЖИМАТОВ

ХОТИРА КЎРГАЗМАСИ

Ўзбек миллий дунё санъати асосчиси Карим Зарипов ва унинг сулоласини бутун дунё танийди, десак муболага бўлмайди. Бу сулола вакиллари неча ўн йиллардан буён нодир санъатлари, юксак чавандозлик маҳоратлари билан цирк иҳлосмандларини хайратга солиб келмоқда.

Айни кунларда пойтахтимиздаги «Маданият ва санъат кўргазмаси» залида таниқли санъаткор К.Зарипов таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан «Карим Зарипов ижодий фаолияти ва Зариповлар сулоласи» деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмада цирк устаси фаолиятини акс эттирувчи тарихий ашёлар, сулола тарихи ва бугунги кўрсатувчи материаллар, қадимий фото-видеолавҳалар рангтаасвир асарлари ҳам китоблар намойиш этилмоқда.

Меҳригўх БОЗОРОВА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Manzilimiz: Toshkent — 100083, Matbuotchilar k'chasi, 32. Qabulxona — 233-52-91. Kutybiyat — 233-49-93. Elektron manziliimiz: uzas@mc.s.uz

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташрифтаги келган қўёхмалар тасвир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мухлифлар фикри тахрирнинг юқтас назаридан фарқланши мумкин. Мазсул котиб — Асрор СУЛҲИМОНОВ. Набатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ. Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили Буюк Турро к'часи, 41-ўй. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топшириш — 19.58.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВАДА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2181-144X. 9772181144000